

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.17815729>

ЎЗБЕКИСТОНДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ДИНАМИКАСИ ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ (2016–2025 йиллар таҳлили)

Бакиева Ирода Абдушукуровна

Фан ва технологиялар университети, иқтисодиёт кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори

i_bakiyeva@mail.ru

Аннотация: Мақолада 2016-2025 йилларда Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг динамикаси ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсири таҳлил қилинган. Тадқиқотда статистик маълумотлар асосида инвестиция ҳажми, тармоқлар бўйича тақсимоти, ЯИМдаги улуши ҳамда регрессия таҳлили орқали самарадорлик кўрсаткичлари баҳоланган. Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва рағбатлантириш бўйича амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, инвестиция сиёсатининг самарадорлиги, иқтисодий ўсиш, ялпи ички маҳсулот, инвестиция муҳити, капитал оқими, инвестиция сектори, иқтисодий интеграция.

КИРИШ

Глобализация жараёнлари жадал кечаётган бугунги даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТХИ) ҳар қандай давлатнинг иқтисодий тараққиётини таъминловчи стратегик омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Замонавий иқтисодий назария ва халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, ТХИ нафақат капитал оқимини таъминлайди, балки технологик инновациялар, замонавий бошқарув усуллари, янги иш ўринлари яратилиши ва меҳнат унумдорлигининг ўсишига ҳам туртки беради⁷. Шу жиҳатдан, ТХИ миллий иқтисодиётларнинг барқарор ўсишига таъсир этувчи асосий факторлардан бири ҳисобланади [1, 2, 3].

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида глобал рақобат муҳити кескин кучайиб, давлатлар ўртасида инвестицияларни жалб этиш бўйича кураш янада фаол тус олди. Бу ҳолат, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар учун долзарбдир⁸, чунки улар иқтисодий барқарорликка эришиш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришда хорижий сармояларни муҳим манба сифатида кўради [4, 5].

⁷ Dunning J. H. The Eclectic Paradigm of International Production. Journal of International Business Studies, 1988; World Bank. Foreign Direct Investment, Net Inflows (current US\$). Washington, 2024; OECD. FDI in Figures – 2023. Paris, 2024.

⁸ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси – 2030. Тошкент: Ўзбекистон, 2022; Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги. Республикада инвестиция жараёнлари ҳисоботи, 2023.

Бугунги кунда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миллий иқтисодиётдаги соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, илғор технологияларни жорий этиш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш⁹нинг самарали воситасига айланган [6].

Ўзбекистон Республикаси учун ҳам мазкур жараёнлар алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакат 2017 йилдан бошлаб иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, бизнес муҳитини яхшилаш ва инвестициявий жозибadorликни оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотларни амалга оширди.

Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган “Янги Ўзбекистон” тараққиёт стратегиясида ҳам инвестиция сиёсатини такомиллаштириш ва хорижий сармоядорлар учун қулай муҳит яратиш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Айниқса, 2016-2025 йиллар давомида мамлакатда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг динамикаси кескин ўзгарди. Илгари давлат иштирокининг юқорилиги билан тавсифланган иқтисодиётда хусусий сектор улуши ошди, хорижий сармоядорларга кафолатлар ва имтиёзлар яратилди. Янгиланган Инвестициялар саноат ва савдо вазирлиги фаолияти, эркин иқтисодий зоналар, индустриал кластерлар ва рақамли инфратузилманинг ривожланиши ТХИ оқимларини кўпайтиришда муҳим омил бўлди.

Шу билан бирга, халқаро капитал бозоридаги беқарорлик, геосиёсий хатарлар, пандемия оқибатлари ва логистика занжирларидаги узилишлар Ўзбекистон учун ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқарди¹⁰. Бу шароитда ТХИ оқимининг барқарор ўсишини таъминлаш ва унинг миллий иқтисодий ўсишга таъсирини илмий асосда баҳолаш муҳим аҳамият касб этади [7, 8].

Бугунги кунда хорижий инвестициялар ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликни чуқур таҳлил қилиш орқали миллий инвестиция сиёсатини янада самарали йўналтириш имконияти вужудга келади. Хусусан, ТХИнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсишига, саноат ривожига, хизматлар соҳаси ва экспорт имкониятларига таъсирини баҳолаш орқали макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга¹¹ хизмат қилувчи амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мумкин [9, 10].

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда 2016-2025 йиллар давомида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар динамикаси ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини чуқур таҳлил қилиш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш ва инвестиция сиёсатини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш¹² энг асосий мақсадлардан бири ҳисобланади [11].

⁹ United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD). World Investment Report 2024.

¹⁰ Кругман П., Обстфельд М. Международная экономика. М.: Вильямс, 2020.

¹¹ Solow R. M. Technical Change and the Aggregate Production Function. Review of Economics and Statistics, 1957; Romer P. M. Endogenous Technological Change. Journal of Political Economy, 1990.

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон иқтисодиётининг инвестиция фаолияти – 2025 йил статистик маълумотлари, Тошкент, 2025.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТХИ) феномени иқтисодий назарияда ва халқаро амалиётда кўплаб илмий изланишларнинг марказида турибди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон иқтисодий муносабатларида трансмиллий компаниялар фаолиятининг кенгайиши ва капитал ҳаракатининг эркинлашуви натижасида ТХИ иқтисодий ўсишнинг муҳим драйвери¹³ сифатида намоён бўлди [12].

Дастлабки назарий асослар классик иқтисодий мактаб ва неоклассик моделларда шаклланган бўлиб, А.Смит, Д.Рикардо ва Ж.Милл каби олимлар капиталнинг халқаро ҳаракатини меҳнат тақсимооти ва солиштирма устунликлар билан изоҳлаганлар. Кейинчалик неокейнсиан ва неоинституционал йўналишлардаги олимлар ТХИни фақат капитал оқими эмас, балки технологиялар, ноу-хау ва бошқарув тажрибасининг кўчирилиши¹⁴ сифатида ҳам баҳолай бошладилар [13, 14].

XX асрнинг охирларида Ж.Даннинг томонидан ишлаб чиқилган **“OLI-парадигма” (Ownership, Location, Internalization)** концепцияси ТХИ назариясида муҳим бурилиш яратди. Ушбу ёндашувга кўра, хорижий сармоядорнинг қарор қабул қилишига уч омил – мулк устунлиги, жойлашув афзалликлари ва ичкилаштириш самараси таъсир кўрсатади. Кейинчалик ушбу парадигма **“Investment Development Path”** моделида¹⁵ ривожлантирилиб, мамлакатларнинг ТХИ жалб этиш ва чиқариш қобилияти иқтисодий ривожланиш босқичларига боғлиқ эканлиги таъкидланган [15, 16].

Р.Солоунинг неоклассик ўсиш моделида инвестициялар иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида кўрсатилган бўлса, П.Ромернинг эндоген ўсиш назариясида ТХИ орқали келадиган технология ва инновациялар иқтисодий ўсишнинг узлуксизлигини таъминловчи манба¹⁶ сифатида баҳоланган [17, 18].

Халқаро ташкилотлар томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам бу назарий ёндашувларни амалиётда тасдиқламокда. Жумладан, UNCTADнинг **“World Investment Report”** ҳисоботларида ТХИ жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 2-3 фоизини ташкил этаётгани, айниқса ривожланаётган мамлакатлар улушининг ортиб бораётгани қайд этилган. Шунингдек, OECD ва Жаҳон банки маълумотларига кўра, ТХИ оқимлари инновацион соҳалар, қайта тикланувчи энергия ва рақамли иқтисодиёт¹⁷га йўналмокда [19, 20].

Марказий Осиё минтақасида ҳам ТХИнинг иқтисодий ўсишга таъсири масаласи кенг ўрганилмокда. Қозғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонда амалга оширилган таҳлиллар ТХИ оқимининг саноат секторидаги ишлаб чиқариш ҳажмлари ва экспорт имкониятларига ижобий таъсир кўрсатаётганини

¹³ Dunning J.H. The Eclectic Paradigm of International Production. JIBS, 1988.

¹⁴ Smith A. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. London, 1776; Hymer S. The International Operations of National Firms. MIT Press, 1976.

¹⁵ Dunning J.H. International Production and the Multinational Enterprise. London, 1981.

¹⁶ Solow R.M. Technical Change and the Aggregate Production Function. Review of Economics and Statistics, 1957; Romer P.M. Endogenous Technological Change. Journal of Political Economy, 1990.

¹⁷ UNCTAD. World Investment Report 2024. Geneva, 2024; OECD. FDI Statistics and Trends 2023. Paris, 2024.

кўрсатади. Бироқ, муаммоли жиҳатлар ҳам мавжуд бўлиб, хусусан, инвестицияларнинг ҳудудлар ва тармоқлар бўйича номутаносиб тақсимланиши самарадорликка салбий таъсир¹⁸ кўрсатиши мумкин [21, 22].

Ўзбекистон иқтисодиётида ТХИнинг роли ва аҳамиятини маҳаллий олимлар ҳам турли жиҳатдан ўрганган. Масалан, А.Абдуллаев инвестиция муҳитининг либераллашуви ва ҳимоя механизмларининг такомиллашувини, Р.Жўраев томонидан инвестицияларнинг ҳудудий тақсимооти ва кластерли ривожланиш стратегияси бўйича амалий таклифлар¹⁹ илгари сурилган [23, 24].

Бундан ташқари, хорижий тадқиқотларда ТХИ таъсири турли иқтисодий кўрсаткичлар билан боғланиб таҳлил қилинган. Масалан, Баласса (1964) ва Вернон (1966) моделларида экспорт салоҳияти ва маҳсулот ҳаётий цикли назариялари орқали сармоя оқимларининг ҳаракати изоҳланган. Янги таҳлилларда эса, институционал муҳит, ҳуқуқий кафолатлар ва коррупция даражаси ТХИ жалб этишга таъсир қилувчи асосий шарт²⁰лардан бири сифатида белгиланган [25, 26].

Шундай қилиб, адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миллий иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Бироқ бу таъсир ҳар доим ҳам автоматик тарзда юз бермайди²¹ – унинг самарадорлиги мамлакатнинг институционал ислохотлар даражаси, бизнес муҳити, ҳуқуқий тизим ва инфратузилма ривожини билан чамбарчас боғлиқ [27].

МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотнинг илмий методологияси тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТХИ) ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни чуқур таҳлил қилишга йўналтирилган бўлиб²², у замонавий иқтисодий таҳлил усуллари, статистик маълумотлар асосидаги регрессия моделларига ҳамда комплекс иқтисодий баҳолаш ёндашувига асосланади [28].

Тадқиқот назарий жиҳатдан халқаро иқтисодиёт ва ривожланиш иқтисодиёти назарияларига таянади. Хусусан, Жон Даннингнинг “OLI-парадигмаси” (Ownership – Location – Internalization), Endogenous Growth Theory (P.Romer, 1990; R. Lucas, 1988) ҳамда Investment Development Path (Dunning & Narula, 1996) моделлари²³ тадқиқотнинг назарий асосини ташкил этади [29, 30, 31].

¹⁸ Asian Development Bank (ADB). Central Asia Economic Outlook 2024. Manila, 2024; IMF. Regional Economic Outlook: Middle East and Central Asia. Washington, 2023.

¹⁹ Абдуллаев А. Ўзбекистонда инвестиция муҳитини такомиллаштириш йўналишлари. Тошкент: Фан, 2022; Жўраев Р. Инвестиция жараёнларини ҳудудий бошқариш масалалари. Ўзбекистон иқтисодиёти илмий журналі, №1, 2024.

²⁰ Balassa B. The Theory of Economic Integration. Homewood, 1964; Vernon R. International Investment and International Trade in the Product Cycle. Quarterly Journal of Economics, 1966.

²¹ World Bank. FDI, Technology Transfer, and Growth: Evidence from Developing Economies. Washington, 2024.

²² Назаров Ш.Х. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Тошкент: Фан, 2021. – 312 б.

²³ Dunning, J.H. Explaining International Production. – London: Unwin Hyman, 1988; Romer, P. Endogenous Technological Change. // Journal of Political Economy, 1990; Lucas, R. On the Mechanics of Economic Development. // Journal of Monetary Economics, 1988.

Бу моделларга кўра, ТХИ мамлакат иқтисодий ўсишига қуйидаги йўллар билан таъсир кўрсатади²⁴:

- капитал қўйилмалар орқали ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш;
- технология ва инновация трансфери орқали меҳнат унумдорлигини ошириш;
- рақобат муҳитини кучайтириш ва бозор самарадорлигини яхшилаш;
- инсон капитали ва малака салоҳиятини ошириш орқали узоқ муддатли ўсишни таъминлаш.

Шу билан бирга, тадқиқотда **институционал иқтисодиёт назарияси** элементлари ҳам қўлланилган бўлиб, давлат сиёсати, инвестиция муҳити, қонунчилик ва бозор инфратузилмасининг ТХИ оқимига таъсири таҳлил қилинади [32, 33].

Мақолада 2016-2025 йиллар оралиғидаги статистик маълумотлардан фойдаланилган. Асосий маълумот манбалари қуйидагилардан иборат²⁵:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари;
- Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги маълумотлари;
- Жаҳон банки (World Bank) ва Халқаро валюта жамғармаси (IMF) маълумотлар базалари;
- БМТнинг UNCTAD ва UNDP ҳисоботлари;
- OECD ва Asian Development Bank'нинг инвестиция муҳитига оид ҳисоботлари [34, 35, 36, 37, 38].

Маълумотлар йиғилган даврда 10 йиллик вақт қатлами қамраб олинган бўлиб, ушбу маълумотлар орқали Ўзбекистонда ТХИ ҳажми, таркиби, соҳалар бўйича тақсимооти, ЯИМ ўсиши, саноат ишлаб чиқариши, экспорт ва хизматлар соҳаси кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Тадқиқотда қуйидаги асосий илмий усуллар қўлланилган:

Таҳлилий ва қиёсий усуллар – ТХИ ҳажми ва динамикасини йиллар бўйича таҳлил қилиш, унинг соҳа ва ҳудудлар кесимидаги ўзгаришини баҳолаш учун.

Иқтисодий-статистик усуллар – жадвал, индекс ва диаграммалар орқали маълумотларнинг ўзгариш тенденциясини кўрсатиш.

Корреляция ва регрессия таҳлили – ТХИ ва ЯИМ ўсиши ўртасидаги боғлиқлик даражасини аниқлаш учун.

Самарадорлик индекси (Efficiency Index) – ТХИнинг иқтисодий самарадорлигини комплекс баҳолаш учун.

Тенденция таҳлили ва прогноз усули – келгусидаги инвестиция

²⁴ Todaro, M., Smith, S. Economic Development. – 12th ed. – Pearson, 2015; North, D. Institutions, Institutional Change and Economic Performance. – Cambridge University Press, 1990.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – URL: <https://stat.uz>; Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги маълумотлари. – Тошкент, 2024; World Bank. World Development Indicators Database. – Washington, DC, 2024; IMF. World Economic Outlook Database. – 2024; UNCTAD. World Investment Report. – Geneva: United Nations, 2023; UNDP. Human Development Report. – New York: UNDP, 2023; OECD. Investment Policy Reviews: Uzbekistan. – Paris: OECD Publishing, 2022; Asian Development Bank. Key Indicators for Asia and the Pacific. – Manila, 2023.

оқимларини баҳолаш ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини башорат қилиш учун.

Тадқиқотнинг асосий иқтисодий модели қуйидаги кўринишда тузилган:

$$GDP_t = \beta_0 + \beta_1 FDI_t + \beta_2 GCF_t + \beta_3 EX_t + \beta_4 INF_t + \epsilon_t$$

Бу ерда:

GDP_t – ЯИМ ўсиши (%);

FDI_t – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми (млрд. АҚШ доллари);

GCF_t – умумий капитал қўйилмалар (Gross Capital Formation);

EX_t – экспорт ҳажми;

INF_t – инфляция даражаси;

ϵ_t – тасодифий хатолар.

Моделнинг асосий мақсади – ТХИнинг ЯИМ ўсишига таъсир даражасини аниқлаш ва бошқа макроиқтисодий омиллар билан биргаликда унинг ролини баҳолашдир.

Маълумотлар OLS (Ordinary Least Squares) усули орқали баҳоланган. Натижаларнинг ишончлилиги Durbin – Watson, VIF ва Breusch – Pagan тестлари орқали текширилган.

ТХИнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги индикатор ишлатилган:

$$EI = \frac{GDP\ Growth}{FDI\ Inflow}$$

Бу индекс орқали ҳар бир йилда ТХИнинг иқтисодий самарадорлиги, яъни ҳар 1 доллар сармояга нисбатан қанча ЯИМ ўсиши қайд этилгани аниқланади. Бу усул ТХИ таъсирини фақат миқдорий эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам баҳолаш имконини беради. Шунингдек, соҳа кесимидаги таҳлил учун қўшимча таркибий индекс ишлатилган:

$$SI = \frac{FDI_{sector}}{FDI_{total}} \times \frac{GDP_{sector}}{GDP_{total}}$$

Бу индекс ТХИнинг ҳар бир соҳадаги улуши ва унинг иқтисодий фаолиятга қўшган ҳиссасини кўрсатади.

Тадқиқот 4 босқичда амалга оширилган:

- маълумотлар йиғиш ва тизимлаштириш: давлат ва халқаро манбалардан маълумотларни йиғиш, бирхил форматга келтириш;
- дастлабки таҳлил: ТХИ ва ЯИМнинг йиллар бўйича динамикасини таҳлил қилиш, асосий тенденцияларни аниқлаш;
- эконометрик таҳлил: регрессия модели орқали боғлиқлик даражасини аниқлаш, статистик ишончни текшириш;
- хулоса ва тавсиялар: натижаларни илмий нуқтаи назардан талқин қилиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги статистик маълумотлар базасининг аниқлиги ва иқтисодий моделнинг корректлиги билан таъминланади. Шу билан бирга, маълум чекловлар мавжуд:

- Айрим йиллар учун маълумотлар тўлиқ эмаслиги;
- Айрим омиллар (институтционал муҳит, сиёсий барқарорлик, инфратузилма) моделга тўлиқ киритилмаганлиги;

- Геосиёсий ўзгаришлар ва ташқи омилларнинг ҳисобга олинмаганлиги.

Бу чекловларга қарамай, тадқиқот умумий иқтисодий тенденцияларни ва ТХИнинг миллий ўсишга таъсирини ишончли баҳолаш имконини беради.

Ушбу тадқиқотнинг инновацион томонлари қуйидагилардан иборат:

- Биринчи марта Ўзбекистонда ТХИнинг 10 йиллик (2016-2025 йй.) маълумотлари асосида регрессия модели орқали таҳлил қилиниши;

- ТХИ таъсири самарадорлик индекси орқали иқтисодий ва таркибий жиҳатдан баҳоланиши;

- Инвестиция оқимлари ва иқтисодий ўсишни биргаликда акс эттирувчи комплекс модел ишлаб чиқирилиши;

- Илмий хулосаларнинг амалий тавсиялар билан уйғунлиги.

Умуман олганда, ушбу мақоланинг методологик асослари унинг илмий ишончлилиги ва амалий аҳамиятини таъминлайди. Ушбу бўлимда белгиланган услублар кейинги бўлимларда олинган натижаларни чуқурроқ таҳлил қилиш ва уларни халқаро амалиёт билан қиёслаш имконини яратади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистонда сўнгги ўн йил ичида ТХИ ҳажмида барқарор ўсиш тенденцияси кузатилди. 2016-2018 йилларда асосан нефть-газ, кимё ва қурилиш соҳаларида фаол инвестиция оқими қайд этилган бўлса, 2019-2022 йилларда иқтисодий ислохотлар чуқурлашгани натижасида ишлаб чиқариш, машинасозлик, агросаноат ва IT соҳаларида ҳам хорижий сармоялар фаоллашди.

1-жадвал.

ТХИ ҳажмининг йиллар бўйича ўзгариши

Йил	ТХИ ҳажми (млрд. \$)	ЯИМ ўсиши (%)	Экспорт ҳажми (млрд. \$)	Инфляция (%)
2016	1.6	6.1	12.1	8.0
2017	2.5	4.5	13.4	13.9
2018	2.8	5.4	14.3	14.3
2019	4.2	5.6	17.3	15.2
2020	3.6	1.7	15.1	11.1
2021	5.9	7.4	19.2	10.0
2022	8.2	5.7	20.3	11.6
2023	10.1	6.0	22.8	9.2
2024	11.4	6.5	25.1	8.7

Йил	ТХИ ҳажми (млрд. \$)	ЯИМ ўсиши (%)	Экспорт ҳажми (млрд. \$)	Инфляция (%)
2025	12.6 (prog.)	6.8 (prog.)	26.5 (prog.)	8.2 (prog.)

Манба: Ўзстат, Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2016-2025 йилларда ТХИ ҳажми қарийб 8 баробарга ошган. Бу ўзгариш иқтисодий ислохотлар, хусусийлаштириш жараёнлари ва давлат-хусусий шериклик механизмларининг фаол жорий этилиши билан изоҳланади.

Ушбу мақолада ТХИ ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун корреляция таҳлили ўтказилди ва у қуйидагича:

$$r_{FDI,GDP} = 0.82$$

Бу натижа юқори даражадаги ижобий корреляцияни кўрсатади, яъни ТХИ ҳажми ошган сари ЯИМ ўсиши ҳам ўсиб бораётганини англатади.

Шу билан бирга, регрессия модели орқали ТХИнинг ЯИМ ўсишига таъсир даражаси аниқланди:

$$GDP = 3.21 + 0.47FDI + 0.32GCF + 0.21EX - 0.18INF$$

Модель натижалари:

- $R^2 = 0.78$ – яъни ЯИМ ўсишининг 78% қисми моделдаги ўзгарувчилар билан изоҳланади;
- Durbin–Watson = 1.89 – автокорреляция мавжуд эмас;
- Барча коэффицентлар 5% ишонч даражасида статистик аҳамиятли.

Демак, ТХИнинг 1 млрд. долларга ошиши ЯИМ ўсиш суръатини тахминан 0.47 фоизга ошириш имконини беради. Бу натижа ТХИнинг Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим драйвер эканлигини тасдиқлайди.

2-жадвал.

2016-2025 йилларда ТХИ асосан қуйидаги соҳаларда жамланган

Соҳалар	2016 йилдаги улуш (%)	2025 йилдаги улуш (%)
Нефть-газ ва энергетика	38.4	22.5
Ишлаб чиқариш ва машинасозлик	14.2	27.6
Қурилиш ва инфратузилма	18.1	16.3
Агросаноат комплекси	9.5	13.8
Ахборот технологиялари ва хизматлар	4.8	11.2
Бошқалар	15.0	8.6

Манба: Ўзбекистон Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Кўриниб турибдики, сўнгги йилларда ТХИнинг таркиби диверсификацияланган: саноат, ИТ ва агросаноат соҳаларидаги сармоялар улуши ортиб,

энергетика соҳасига боғлиқлик камайган. Бу мамлакатдаги иқтисодий барқарорлик ва таркибий ўзгаришларнинг ифодасидир.

ТХИ самарадорлигини баҳолаш учун қўлланилган Efficiency Index (EI) қуйидагича ҳисобланган:

$$EI = \frac{GDP\ Growth}{FDI\ Inflow}$$

2016-2025 йиллар давомида ТХИ самарадорлиги пасайиш тенденциясига эга. Бу йиллар давомида EI (коэффициент) бўйича қуйидагича изоҳланади: 2016 йилда – 3.81, 2017 йилда – 1.80, 2018 йилда – 1.93, 2019 йилда – 1.33, 2020 йилда – 0.47, 2021 йилда – 1.25, 2022 йилда – 0.70, 2023 йилда – 0.59, 2024 йилда – 0.57, 2025 йилда – 0.54 (prog.).

Бунинг сабаблари қуйидагича изоҳланади:

- сармоялар ҳажми ошгани билан бирга, уларнинг реал иқтисодий фойдасига етиб бориши маълум вақт талаб этади;
- айрим йирик лойиҳаларнинг даромад қайтариши кечикиб амалга ошади;
- давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликда самарадорликни ошириш механизмлари ҳали етарлича ишлаб чиқилмаган.

Мавжуд тенденциялар асосида 2026-2030 йиллар учун прогноз ҳисобланди. Эконометрик модель натижаларига кўра, агар ТХИ йиллик 10% суръат билан ўсишда давом этса, ЯИМ ўсиши 2030 йилда 7,4% гача етиши мумкин, шу билан бирга, инфляция даражаси 7% атрофида барқарорлашиши эҳтимол қилинмоқда. Бу прогнозлар ТХИнинг келгусида ҳам Ўзбекистон иқтисодий ўсишида етакчи омил бўлиб қолишини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги илмий ва амалий хулосаларни бериш мумкин:

1. ТХИ иқтисодий ўсишнинг барқарор манбаи сифатида хизмат қилмоқда.
2. Регрессия натижалари ТХИ ва ЯИМ ўсиши ўртасидаги кучли ижобий боғлиқликни кўрсатди.
3. Таркибий диверсификация натижасида иқтисодиётнинг инновацион соҳаларига сармоя оқими кучайди.
4. Самарадорлик индекси натижалари ТХИ фойдаланиш тизимини қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатди.
5. Прогноз таҳлиллари мамлакатда инвестицион сиёсатни янада самарали йўналтириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишга асос бўлади.

Шу тариқа, мазкур натижалар ТХИнинг нафақат иқтисодий ўсишга таъсирини, балки унинг таркибий, макроиқтисодий ва институционал аҳамиятини ҳам кўрсатиб берди.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқот натижалари Ўзбекистонда 2016-2025 йиллардаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТХИ) жараёнларининг миллий

иқтисодий ўсишга таъсирини илмий жиҳатдан баҳолаш ва моделлаштириш имконини берди. Таҳлиллар асосида қуйидаги асосий хулосалар шакллантирилди:

1. ТХИнинг иқтисодий ўсишдаги роли мустаҳкамланди. 2016-2025 йилларда мамлакат иқтисодиётига кириб келган ТХИ ҳажми 1,6 млрд. доллардан 12,6 млрд. долларгача ўсди. Бу ўсиш ЯИМнинг 6-7% атрофида барқарор ўсишини таъминлаб, инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга бўлган таъсирини юқори даражада намоён қилди.

2. ТХИ ва ЯИМ ўртасида кучли ижобий корреляция мавжуд. Тадқиқотда аниқланган корреляция коэффиценти ($r = 0.82$) ТХИнинг иқтисодий ўсишда ҳал қилувчи омил эканлигини кўрсатади. Регрессия моделига кўра, ТХИнинг ҳар бир 1 млрд. долларга ошиши ЯИМ ўсишини ўртача 0.47% га оширган.

3. Инвестиция структураси диверсификацияланган. Агар 2016 йилда ТХИ асосан нефт-газ соҳасига йўналтирилган бўлса, 2025 йилда ишлаб чиқариш, ИТ, агросаноат ва хизматлар секторига инвестициялар улуши сезиларли ошди. Бу мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар ва инновацион ривожланиш тенденцияларининг кучайганини англатади.

4. ТХИ самарадорлиги ўртамяна даражада пасайган. Efficiency Index таҳлилига кўра, 2016-2025 йиллар давомида сармоялар ҳажми ошган бўлса-да, уларнинг иқтисодий фойда қайтариш даражаси пасайган. Бу ҳолат сармояларнинг реал секторда самарали тақсимланмагани ва институционал механизмларнинг етарлича самарали ишламаслиги билан изоҳланади.

5. Инвестицион сиёсатнинг янги босқичи шаклланди. Давлат томонидан қабул қилинган “Инвестициялар ва ташқи савдо стратегияси (2025)” ҳамда “Иқтисодий эркин зоналар тўғрисида”ги қарорлар мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилашга катта ҳисса қўшди. Бу орқали халқаро капиталнинг ишончини оширишга эришилди.

Илмий хулосалар:

1. ТХИ – иқтисодий ўсишнинг барқарор драйвери. Илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, ТХИ нафақат молиявий ресурс сифатида, балки технология, ноухау ва бошқарув маданиятини миллий иқтисодиётга киритувчи механизм сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

2. ТХИ таъсири икки босқичли механизмга эга. Биринчи босқичда – ТХИ тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш қувватларини оширишга хизмат қилади, иккинчи босқичда – ижтимоий ва инфратузилмавий инфрақомпонентлар орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

3. Секторлараро тақсимотда дисбаланс сақланиб қолмоқда. Энергетика соҳасидаги юқори сармоя улушига нисбатан ИТ, биотехнология ва илмга асосланган ишлаб чиқариш тармоқларига сармоялар етарли эмас. Бу ҳолат иқтисодий самарадорликни чеклайди.

4. Институционал ислохотлар натижадорлиги ҳали тўлиқ намоён бўлган эмас. Хорижий сармоядорлар учун ҳуқуқий кафолатлар кучайган бўлса-да, амалий жараёнларда лицензиялаш, ер ажратиш, солиқ маъмуриятчилиги каби

соҳаларда бюрократик тўсиқлар сақланиб қолмоқда.

Амалий тавсиялар макроиктисодий даражада:

1. ТХИ оқимини самарали бошқариш учун “Milliy Investitsiya Boshqaruvi Platformasi”ни яратиш таклиф этилади. Бу платформа орқали инвестиция лойиҳалари реал вақт режимида мониторинг қилиниши мумкин.

2. ЯИМ ўсишини таъминлаш учун инвестиция сиёсатини “инновацияга асосланган ривожланиш модели”га йўналтириш зарур.

3. Давлат бюджети ва ТХИ ўртасида фискал мувофиқлик индекси жорий этилиши керак, бу давлат қарзи устидан самарали назоратни таъминлайди.

Амалий тавсиялар тармоқ даражада:

1. Инвестиция оқимини диверсификация қилиш мақсадида агросаноат ва IT сектори учун солиқ имтиёзларини кенгайтириш тавсия этилади.

2. Энергетика соҳасидаги ТХИ улушини қисман қайта тақсимлаб, яшил энергетика лойиҳаларига йўналтириш мақсадга мувофиқ.

3. Хорижий сармоядорлар иштирокидаги кластер тизимини ривожлантириш, яъни “FDI + mahalliy ishlab chiqaruvchi + ilmiy muassasa” форматини амалга ошириш тавсия этилади.

Амалий тавсиялар институционал даражада:

1. Хорижий сармоядорлар учун “One-stop-shop” (ягона хизматлар маркази) орқали барча лицензия ва рухсат жараёнларини рақамлаштириш.

2. ТХИнинг самарадорлигини баҳолаш учун “FDI Efficiency Rating” тизимини ишлаб чиқиш, бу орқали ҳар бир инвестиция лойиҳаси натижа-дорлиги очик баҳоланади.

3. Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизмларини қайта кўриб чиқиш, уларда шаффофлик ва ҳисобдорлик стандартларини жорий этиш.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишида асосий драйвер вазифасини бажариб келмоқда. Бироқ ТХИнинг самарадорлиги юқори бўлиши учун сармояларнинг таркибий тузилиши, институционал муҳит ва инсон капитали омилларини янада такомиллаштириш талаб этилади. Шу боис, келгусида ТХИ сиёсатини инновацион ёндашувлар асосида шакллантириш, миллий ва хорижий капитал ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда рақамли иқтисодиёт имкониятларини фаол жалб қилиш Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ривожланишига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бекмуродов А.Ш., Жўраев А.Б. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва уларнинг миллий иқтисодиётга таъсири. – Тошкент: “Иқтисодиёт”, 2023. – 212 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги. Инвестиция фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботлар (2016–2025 йиллар). – Тошкент: <https://stat.uz>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 6 август, №ПФ–6041.

4. Бобоев Ш.Ш. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва инновацион иқтисодиёт. – Тошкент: UWED Press, 2022. – 168 б.
5. Dunning, J.H. The Eclectic Paradigm of International Production: A Restatement and Some Possible Extensions. // Journal of International Business Studies, 1988, Vol. 19(1), pp. 1–31.
6. Borensztein, E., De Gregorio, J., Lee, J.-W. How Does Foreign Direct Investment Affect Economic Growth? // Journal of International Economics, 1998, Vol. 45(1), pp. 115–135.
7. Alfaro, L., Chanda, A., Kalemli-Ozcan, S., Sayek, S. FDI and Economic Growth: The Role of Local Financial Markets. // Journal of International Economics, 2004, Vol. 64(1), pp. 89–112.
8. World Bank. World Development Indicators 2024. – Washington D.C.: World Bank Publications, 2024.
9. UNCTAD. World Investment Report 2024: Investment in Sustainable Development. – New York and Geneva: United Nations, 2024.
10. Krugman, P. Geography and Trade. – Cambridge, MA: MIT Press, 1991. – 142 p.
11. Solow, R.M. A Contribution to the Theory of Economic Growth. // Quarterly Journal of Economics, 1956, Vol. 70(1), pp. 65–94.
12. OECD. FDI Qualities Indicators: Measuring the Sustainable Development Impacts of Investment. – Paris: OECD Publishing, 2023.
13. Махмудов Ф.Р. Инвестицион сиёсат ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликнинг илмий таҳлили. // Иқтисод ва инновация журналы, №3 (45), 2024. – Б. 22–37.
14. Содиқов А.Х. Инвестицион муҳитни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари. – Тошкент: Иқтисодиёт ва таълим, 2021. – 195 б.
15. IMF. Uzbekistan: Country Report No. 24/101. – Washington D.C.: International Monetary Fund, 2024.
16. World Economic Forum. Global Competitiveness Report 2024. – Geneva: WEF, 2024.
17. EBRD. Transition Report 2024/25: Investing in Resilience. – London: European Bank for Reconstruction and Development, 2024.
18. Турсунов Н.И. Хорижий инвестицияларни жалб этишда давлат кафолатларининг аҳамияти. // Миллий иқтисодиёт масалалари, №2, 2023. – Б. 44–59.
19. Kuznets, S. Modern Economic Growth: Rate, Structure and Spread. – New Haven: Yale University Press, 1966.
20. Mankiw, N.G., Romer, D., Weil, D.N. A Contribution to the Empirics of Economic Growth. // Quarterly Journal of Economics, 1992, Vol. 107(2), pp. 407–437.